

**ЁШЛАРИМИЗДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ**  
**Содикова Дилфуза Ропижоновна – ЖДПИ ўқитувчиси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ёшларда экалогик маданиятни шакллантиришда экалогик таълим-тарбиянинг ўрни ёритилиб ўтилган. Экологик таълим ва тарбиялаш тизимини болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳам давом эттириш зарурлиги, болалар боғчаларида атроф-муҳит, табиат ва экалогик тушунчалар берилиши, умумтаълим мактабларида асосан, табиатшунослик дарсларида ўқитувчиларга экологик таълим-тарбия бериб борилиши айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** экалогия, экалогик маданият, атроф-муҳит, табиатни эъзозлаш, таълим-тарбия, экалогик саводхонлик, гўзаллик.

**РОЛЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В  
РАЗВИТИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ**

**Аннотация.** В статье рассматривается роль экологического просвещения в формировании экологической культуры молодежи. Было отмечено, что необходимо продолжить систему экологического образования и воспитания в детских садах, общеобразовательных школах, на следующих ступенях обучения, в детских садах с целью ознакомления с экологическими, природными и экологическими концепциями, в средних школах, в основном, в классах естественных наук.

**Ключевые слова:** экология, экологическая культура, окружающая среда, бережное отношение к природе, образование, экологическая грамотность, красота.

**ROLE OF ENVIRONMENTAL EDUCATION IN THE  
DEVELOPMENT OF ENVIRONMENTAL CULTURE OF YOUTH**

**Annotation.** The article examines the role of environmental education in the formation of the environmental culture of young people. It was noted that it is

necessary to continue the system of environmental education and upbringing in kindergartens, general education schools, at the next stages of education, in kindergartens in order to familiarize themselves with ecological, natural and ecological concepts, in secondary schools, mainly in natural science classes.

**Key words:** ecology, ecological culture, environment, respect for nature, education, ecological literacy, beauty.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳам инсон манфаатига қаратилгандир. Табиатни эъзозлаш, уни муҳофаза қилиш, инсон онгининг етуклиги билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кишиларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада оиланинг роли катта. Ёшлиаримизда экологик маданиятни тарбиялашда болалар боғчалари, мактаб, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари ҳам шиҷоат ва жонбозлик кўрсатишлари лозим. Мехнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари доимий ва изчил равишда аҳолининг экологик онги ва маданиятини тарбиялашга оид ишларни мунтазам олиб борсалар, бу масалада шунчалик тез жiddий ўзгаришларни қўлга киритишимиз мумкин эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариш керак эмас. Экологик маданиятнинг мақсади табиатни сақлаш бўлган очиқ тизимли қадриятлар сифатида, алоҳида қадриятлар кўрсаткичи деб аниқланади. Экологик маданият – табиатнинг ўзлаштиришдаги ижодий фаолият бўлиб, бу жараёнда экологик қадриятлар бажарилади, тақсимланади ва фойдаланилади. Ҳозирги даврда экологик маданиятни ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир. Экологик маданиятни шакллантириш мафаатлардан келиб чиқсан таълим-тарбия бошқа соҳадаги таълим-тарбияни мужассамлаштирувчи бош йўналишга айланмоқда. Экологик маданиятни шакллантиришда экологик таълим-тарбия асос бўлади.

Инсоният табиатнинг олий маҳсулидир, яъни табиат инсонни вужудга келтирган бўлса, иқтисодийижтимоий муносабатлар уни шакллантириди, ривожлантириди. Мехнат унинг онгини юксалтириди ва камол топтириди.

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбияу мумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишида амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёшавлодга атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида қўйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

1. Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўзлаштирган экологик билимларини янада ошириш.
2. Уларнинг табиат ва атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиши.
3. Ўқувчиларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириши.
4. Ўқувчиларда экологик фаолият кўникма ва малакаларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

Экологик саводхонлик ва маданият, аввало, оиласдан бошланади. экологик дүёнқарашни шакллантиришнинг негизи оиласдаги тарбияга бевосита боғлиқдир. Агар бу масала оиласда тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш қийин бўлади. Аждодларимиз авваллардан бола тарбиясига катта ахамият беришган. Болани ёшлигидан бошлаб оиласда меҳнатга онгли муносабатни уйғотиши, табиатга, атроф-муҳитга ҳурмат, ободонлаштириш ҳиссини шакллантириш даркордир. Оила даврасида фарзандларга «Сувга туфлама, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», "Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан", деб панду-насихатлар қилиш

керакдир. Авестода табиатни, хусусан, сувни ифлос ёки исроф қилган киши 400 даррага махкум этилган. Сувга хурмат ислом динимизда ҳам сақланиб қолган. Мана шу хурмат таъсирида халқда қўплаб мақоллар, ривоятлар, ибратли ҳикоятлар, эртаклар вужудга келган.

Экологик таълим ва тарбиялаш тизимини болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳам давом эттириш зарурдир. Болалар боғчаларида атроф-мухит, табиат ва экологик тушунчалар берилади, умумтаълим мактабларида асосан, табиатшунослик дарсларида ўқитувчиларга экологик таълим-тарбия берилади.

Ўлкамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бу бойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ёшларни мактаб партасидан кенг таништириб бориш ўзининг самарасини беради. Бунда экологиядан илмий тушунчалар мактабларда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, табиатшунослик, физика, экология, математика, география, тарих каби фанларни ўқитишида умумлаштирилади. Шу билан бирга факулътатив машғулотларда, дарсдан ташқари тўгарак йиғилишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларинииг кундалик фаолиятлари давомида экологик муаммоларни ўргана борадилар.

Фанларни ўқитишида ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга оид бериладиган билим, кўникума, малакаларини шакллантириш ўқитишида қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда ҳамда танланган экологлк материаллар мазмуни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаб олинишига эътибор қилинади. Экологик маданиятни шакллантиришда дарсдан ташқари машғулотларда ҳамда синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда ва эксперциялар вақтида амалга ошириш мумкин. Бунда ўқувчилар ўртасида "Табиатни асраш-Ватани асраш", "Табиатни эъзозлайлик" "Қушлар бизнинг дўстимиз", "Гуллар байрами", "Табиат ва инсон", "Экология ва инсон", "Орол мадад сўрайди" каби мавзуларда турли баҳс ва суҳбатлар уюштириш

орқали амалга ошириш мумкин. Хусусан, табиат қўйнига саёҳатлар, экологик йўналишдаги тўғараклар, шу мазмундаги кечалар ўтказиш ўқувчилар хотирасида узоқ сақланади. Саёҳатлар мазмуни асосан теварак-атрофни кузатишга қаратилади. Саёҳатларда ўқувчилар табиатдан инсон қандай фойдаланаётганлигини кўрадилар, катталарнинг табиатга тўғри ёки нотўғри муносабатда бўлаётганлигини гувоҳи бўладилар. Табиат қўйнида бўлиш, ўқувчиларда эстетик кечинмаларни пайдо қиласди. Ўқувчилар қушларни сайрашини эшишиб, ўсимликларни яшнашини кўриб қувонадилар. Бу ҳолатдан улар ҳам эстетик, ҳам экологик тарбия оладилар. Амалий ишлар қилиш орқали эса яъни, гулларни ўстирадилар, қушларни, қуёнларни боқиб, парвариш қиласдилар, қушларга уячалар ясайдилар.

Ўқувчилар экологик тарбия ишлари жараёнида қуидагиларни билишлари зарур:

- Табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;
- Табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- Атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш;
- Табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак юқоридаги омиллар асосида экологик тарбиялаш ўқувчиларда табиатни муентазам кузатиб боришга қизиқиши уйғотади, табиатни ҳимоя қилиш учун курашишга, унинг гўзаллигини асраб-авайлашга олиб келади. Табиатга муҳаббатни ва унга эҳтиёткорлик хиссини тарбиялаш шахсада ахлоқий белгиларни ривожлантиришга ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибрагимов X ва б. Педагогика назарияси. Т.;”Фан ва технология”, 2008
2. Зиёмухаммедов Б. Экология ва маънавият. - Т.: “Мехнат”, 1997.

3. Исломов А., Ахадов Р. Экологиктаълим-тарбия. - Т.: «Ўқитувчи», 1997.
4. Д.Содиқова ва б. Экологик тарбия – табиатга бўлган муносабат демакдир. “Тафаккур ва талқин” илмий тўплам. Тошкент -2016й (137-138б)
1. Ибрагимов Х ва б. Педагогика назарияси. Т.;”Фан ва технология”, 2008
2. Н.А.Кушаев Эстетик тарбия асослари. Т.; “Ўқитувчи”, 1998
3. Д.Содиқова ва б. Ёш авлоднинг вокеликка нисбатан эстетик муносабатини ривожлантириш. “Фан, таълим ва амалиёт” Мажмуасининг долзарб муаммолари. Тошкент - 2014й (63-64б)
4. Д.Содиқова ва б. Укувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик шарт шароитлари. “Фан, таълим ва амалиёт” Мажмуасининг долзарб муаммолари. Тошкент - 2014й (91-92б)
- 5.Sodiqov, H. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 6.Sodiqov, H. (2020). DEVELOPMENT OF COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 7.Sodiqov, X. (2018). THE ESSENCE OF THE CONCEPT "COMMUNICATIVE-SPEECH CULTURE" OF THE FUTURE TEACHER AND HIS THEORETICAL MODEL. Central Asian Journal of Education, 2(1), 13-17.
- 8.Sodiqov, H. (2020). PLACE OF FOLK SONGS IN THE SPIRITUAL EDUCATION OF THE STUDENT-YOUTH. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-10.
- 9.Sodiqov, H. (2020). HIGHER STUDENTS IN PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ISSUES OF EDUCATION AS A SPIRITUAL PERSON. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.
- 10.Sodiqov, H. (2020). SPIRITUAL MORALITY OF SOCIETY AND FAMILY HARMONY TRENDS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-11.
- 11.Sodiqov, H. (2020). WAYS TO GAIN PEDAGOGICAL SKILLS. Архив Научных Публикаций JSPI.

- 12.Sodiqov, H. (2020). MEETING OF FUTURE TEACHERS DEVELOPING A CULTURE EFFECTIVE WAYS. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 13.Sodiqov, H. (2020). TECHNOLOGIES FOR DEVELOPING STUDENTS'COMMUNICATIVE AND SPEECH CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 14.Sodiqov, H. (2020). ADVANTAGES OF FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 15.Sodiqov, H. (2020). Use of mass educational measures in upbringing of harmoniously developed generation. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 16.Sodiqov, H. (2020). The educational significance of hadiths in human spiritual maturity. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 17.Sodiqov, H. (2020). Abu Nasr Faroobi's views on education. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 18.Sodiqov, H. (2020). General pedagogical views of Abu Ali ibn Sina. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 19.Sodiqov, H. (2020). Specific aspects of the organization of independent education. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 20.Sodiqov, H. (2020). DUXOVNO-NRAVSTVENNYE PRINTSIPY HARMONII OBshchESTVA I SEMI. АрхивНаучныхПубликаций JSPI, 1-12.
- 21.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- Sodiqov, H. (2020). Family, school cooperation in the upbringing of primary school students. АрхивНаучныхПубликаций JSPI.
- 22.Sodiqov, H. (2020). The role of toys in shaping the creative thinking of primary school students. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 23.Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
- 24.Sodiqova, D. (2020). Buyuk allomalarimiz asarlarida oilada bola tarbiyasining ahamiyati haqida qarashlari. Журнал Педагогики и психологии в современном

образовании, (1).

25.Sodiqova, D. (2020). Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда тушунчалардан фойдаланиш. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (1).